

ХII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят доимий аҳолисining сони 1 337,0 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 12,0 минг кишига ёки 100,9 фоизга кўпайди. Шундан, 627,3 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 46,9 фоизи) ва 709,7 минг киши – қишлоқ жойларида (53,1 фоизи) истиқомат қилади.

Жиззах вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Жиззах вилояти	1 337,0	627,3	709,7	101,9	101,7	102,1
<i>шаҳар:</i>						
Жиззах	173,0	173,0	0,0	101,4	101,4	0,0
<i>туманлар:</i>						
Арнасой	44,8	15,3	29,5	101,4	100,7	101,7
Бахмал	150,7	40,6	110,1	102,0	101,8	102,1
Ғаллаорол	165,9	58,7	107,2	101,9	101,6	102,1
Шароф Рашидов	210,5	84,2	126,3	102,5	102,1	102,9
Дўстлик	63,7	27,0	36,7	101,8	101,5	101,9
Зомин	157,9	75,0	82,9	93,1	98,2	88,9
Зарбдор	82,6	46,0	36,6	125,2	109,5	152,5
Зафаробод	48,4	22,1	26,3	101,7	101,4	101,9
Мирзачўл	49,8	27,7	22,1	102,3	103,0	101,4
Пахтакор	72,2	35,3	36,9	101,7	101,1	102,2
Фориш	90,2	16,7	73,5	101,6	101,8	101,5
Янгиобод	27,3	5,7	21,6	101,1	101,8	100,9

**Январь-июнда вилоят бўйича аҳолининг
табiiй ҳаракати коэффициентлари**


Кўрсаткичлар	киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	14 210	15 068	21,9	22,8
Ўлганлар	2 845	2 699	4,4	4,1
шу жумладан:				
бир ёшгача болалар	223	141	13,9	9,1
Никоҳлар	3 290	4 005	5,1	6,1
Ажралишлар	526	566	0,8	0,9

Туғилиш. 2018 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 15 068 кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (14 210 киши) нисбатан 858 кишига купайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 22,8 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли камайиши Мирзачўл туманида (17,5 промилледан 16,8 промиллегача), Ғаллаорол (23,7 промилледан 22,6 промиллегача) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг табiiй ҳаракати коэффициенти

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим. 2018 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 2 699 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (2 845 киши) нисбатан -146 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-июнида 4,4 промилле бўлган).


Ўлим коэффициентининг сезиларли ўсиши Арнасой (2,8 дан 3,7 промиллегача), Мирзачўл (3,3 дан 3,6 промиллегача) Янгиобод (4,4 дан 6,0 промиллегача) хиссасига тўғри келади.

Ўлим даражасининг энг паст кўрсаткичи Зафаробод (3,5 промилле), Фориш (4,0 промилле), Ғаллаорол (4,1 промилле) ва Шароф Рашидов (4,1 промилле) туманлари хиссасига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонидан 54,9 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,7 фоизи ўсма касалликларидан, 8,6 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,5 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 1,5 фоизи инфекцион ва паразитар касалликларидан 15,6 фоизи бошқа касаликлардан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши

(2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига 5 та оналар ўлими рўйхатга олинган ва оналар ўлими коэффициенти 33,2 промиллени (100 минг тирик туғилганга нисбатан) ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида бир ёшгача 141 нафар болалар ўлими қайд этилган. Гўдаклар ўлими коэффициенти 9,1 промиллени (2017 йил январь-июнида 13,9 промилле бўлган) ташкил қилди.

Гўдаклар ўлимининг юқори кўрсаткичлари Дўстлик – 17,7 (1 000 тирик туғилганга нисбатан), Зафаробод – 17,0, Жиззах шаҳри – 16,4, Пахтакор – 13,7, Зарбдор – 12,2 ва Арнасой – 10,5 хиссасига тўғри келади.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 49,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,4 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 7,1 фоизи туғма аномалиялардан, 1,4 фоизи инфекцион ва паразитар касалликларидан, 3,6 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 4,3 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 10,6 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-июнида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида 4005 та никоҳлар ва 566 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган, 1 000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 6,1 (2017 йилнинг январь-июнида 5,1 бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 0,9 ни (2017 йилнинг январь-июнида 0,8 бўлган) ташкил этган.

**Январь-июньда тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони.**

(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Жиззах вилояти	3 290	4 005	526	566
<i>шаҳар:</i>				
Жиззах	414	533	96	109
<i>туманлар:</i>				
Арнасой	126	115	24	11
Бахмал	343	429	32	69
Ғаллаорол	427	551	74	76
Шароф Рашидов	506	608	73	71
Дўстлик	168	189	39	39
Зомин	463	553	71	72
Зарбдор	222	250	20	25
Зафаробод	106	133	18	19
Мирзачўл	107	124	19	22
Пахтакор	200	287	28	24
Фориш	156	178	26	21
Янгиобод	52	55	6	8

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5 770 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6 088 кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус 318 кишини ташкил этган, 2017 йилнинг мос даврида минус 460 киши бўлган.

Январь-декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.

Жиззах вилояти	4 970	5 770	5 430	6 088	-460	-318
-----------------------	--------------	--------------	--------------	--------------	-------------	-------------

шаҳар:

Жиззах	818	985	987	1165	-169	-180
--------	-----	-----	-----	------	------	------

туманлар:

Арнасой	237	277	321	355	-84	-78
---------	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Бахмал	482	339	534	604	-52	-265
--------	-----	-----	-----	-----	-----	------

Ғаллаорол	242	428	509	545	-267	-117
-----------	-----	-----	-----	-----	------	------

Шароф Рашидов	939	1430	531	773	408	657
---------------	-----	------	-----	-----	-----	-----

Дўстлик	348	396	390	399	-42	-3
---------	-----	-----	-----	-----	-----	----

Зомин	242	253	459	453	-217	-200
-------	-----	-----	-----	-----	------	------

Зарбдор	368	381	319	327	49	54
---------	-----	-----	-----	-----	----	----

Зафаробод	254	263	275	276	-21	-13
-----------	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Мирзачўл	457	420	244	265	213	155
----------	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Пахтакор	277	287	378	415	-101	-128
----------	-----	-----	-----	-----	------	------

Фориш	252	269	365	407	-113	-138
-------	-----	-----	-----	-----	------	------

Янгиобод	54	42	118	104	-64	-62
----------	----	----	-----	-----	-----	-----

Миграция сальдосининг юқори даражаси Ғаллаорол (минус 117 киши), Зомин (минус 200), Бахмал (минус 265), Фориш (минус 138), Пахтакор (минус 128), туманларида ва Жиззах шаҳрида (минус 180) қайд этилди. Миграциянинг ижобий сальдоси Шароф Рашидов (плюс 657 киши) ва Мирзачўл (плюс 155 киши) туманларида кузатилди.